

Бир кунлик сафар —
970 кунлик зафар

2-3-с.



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 30 (666)
2019 йил
9 август,
Жума

Ижтимоий сий...

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



7-с.

Тақдимномалар
охири «самара»
берди

НЕВАРАЛАРИ-
НИНГ ТҮЙИГА
КИТОБ СОВФА
ҚИЛГАН БОБО

«Аллалайдиган» маърузалар

БОЗОРГА
СОЛИНГАН
БОЛАЛАР

6-с.

ТУҲМАТГА
ҚОЛГАН
КЕЛИН

ҚИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢ!

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги олдидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан марказий оммавий ахборот воситаларида хизмат қилаётган ҳамкасблар ҳамроҳлигида Сирдарё вилоятида бўлди. Шинам ва замонавий автобусда пойтахтдан йўлга чиққанамизда Сирдарё кичкина жой, ҳам Тошкентга яқин, икки-уч соатда вилоятни кезиб чиқсак керак, деб ўйлагандик. Аммо Самарқанду Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларига боришда неча марта шу ҳудуддан ўтганмиз-у, «кўприк» вазифасини бажариб берган Сирдарёнинг жозибасини, малоҳатини сезмабмиз, билмабмиз. Эзгу ният ила ташкил этилган медиа тур бу манзилга нисбатан тасаввурларимизни буткул ўзгартириб юборди.

**Ўзимизники,
Ўзбекистонники**

Мезбонлар бизни дастлаб Сирдарё туманида фаолият кўрсатаётган «Сирдарё универсал ойна» масъулияти чекланган жамиятига олиб боришди. Салкам 5 гектар майдонни эгаллаган, 2018 йил 1 июнда иш бошлаган мазкур корхонада фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун шиша идишлари тайёрланади. Ичкарига кириб, баҳайбат станоклар, хориждан келтирилган дастгоҳларни кўриб, бир ҳайратланган бўлсак, рўзгорда ҳар кунни керак бўладиган оддий банкларнинг тайёрланиш жараёнини кузатиб, ўн карра қойил қолдик. Ўзимизнинг йигит-қизлар меҳнат қилаётган бу корхонадаги хом ашё ҳам ўз заминимиздан олинади.

— Илгари шундай корхоналарни тасаввур қилолмасдик, — дейди «Сирдарё универсал ойна» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алишер Махмутахунов. — Бугун эса ҳамма нарса ўзгарди. Амалга оширилаётган ислохотлар етиб бўлмас орзуларимизни ҳам кўриш мумкинлигини исботламоқда. Биргина ушбу корхона фаолияти ҳақида гапиралган бўлсам, бу ерда ишлаётган ходимларимизнинг барчаси мамнун. Уч навбатда меҳнат қиладиган ишчиларимиз 1 миллион 200 мингдан 3 миллионгача маош олишади. Ишга бориб келиш, уч маҳал иссиқ овқат — корхона ҳисобидан. Иш бошлаганимизга эндигина бир йил бўлди. Шундай бўлса-да, хорижлик ҳамкорлар, экспертлар махсуслотларимизга юқори баҳо беришмоқда. Энг муҳими шуки, меҳнат қилсак, излансак, интиласак, ҳаммасига эришамиз.

Жўшиб, фахр билан гапирётган корхона раҳбарининг сўзларини эшитиб, унинг айтиётганлари чин эканлигига Чинлар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган «Пенг-Шенг» қўшма корхонасига борганимизда, яна бир карра амин бўлдик. Корхона, деса, чанг-тўзон, шовкин-суронли жойларга ўрганиб қолган эканмиз, аммо унинг тасарруфидоғи сўлим боғ, ўзбек ва хитой болалари аҳил-иннокликда тарбияланаётган 30 ўринли мактабгача таълим муассасасини кўриб, беҳад хурсанд бўлдик. Ушбу масканда таълим-тарбия жараёналари ўзбек, рус, инглиз ва хитой тилларида олиб борилади.

Кафел, ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехда бўлганимизда ишчилар асосан аёллардан иборат экани эътиборимизни тортди. Бунга изоҳ сўраганимизда, хитойлик мутахассислардан бири шундай деди:

— «Асосан замонавий технологиялар кўмағида ишлаётганимиз учун хотин-қизларни ишга олганмиз. Сабаби, улар эркаклардан кўра масъулиятли ва ҳушёр бўлишади. Бошқарув тизими-

нинг биргина нуқтасини нотўғри босиш ҳам овозгарчиликка сабаб бўлади. Қолаверса, бу аёллар учун нисбатан енгил иш, сояда меҳнат қилишади».

«Пенг-Шенг»нинг кўргазма савдо уйи ҳам бор экан. Бинода қўшма корхонада ишлаб чиқилган деярли барча маҳсулот турларида намуналар намойиш этилган. Савдо маркази, банк сингари бир қатор хизмат кўрсатиш шохобчаларидан иборат ушбу кенг ва баҳаво манзилни кичик шаҳарча деса, адашмаймиз.

Журналистлар «Пенг-Шенг» корхонасига қарашли қўшқатор экилган ҳамда томчилатиб суғориш технологияси асосида парваришланаётган гўза майдонида ҳам бўлдик. Билдирилишича, қўшқатор усулида анъанавийга нисбатан бир гектарга 30 минг туп кўп кўчат жойлаштириш имконияти бор. Яна бунда агротехник тadbирларни бажариш учун далага трактор киритишга ҳам ҳожат йўқ. Дала соҳиблари гектардан 50 центнердан кам ҳосил олмаймиз, дейишди ва уларнинг бу гапи аини пайтда ҳар туп гўзада ўртача 50-54 та ҳосил нишонаси борлиги билан ҳам ўз исботини топди.

Иссиқхонада помидор, банан, қовун етиштирилган экан. Махсус совуқчи эса ичкаридаги ҳароратни мўтадиллаштириб турибди. Шу боис бу ерда ёзнинг жазирамасида ҳам бемалол ишлаш, ҳаракатланиш имконияти яратилган.

— Ўзимиз ва Тошкентдаги «Корзинка»ларнинг барчасини шу ердаги маҳсулотлар тўлдирди, — дейди Сирдарё тумани ҳокими А.Муҳаммадиев. — Асосийси, етиштирилаётган помидор қовуннинг мазаси даланикдан қолишмайди. Шу ернинг ўзида ўнлаб кишилар иш билан таъминланган.

Иссиқхонадан чиққач, электр токи-

барча ишчи-ходимлари ҳамда даромаду фойдаси ҳам бир кунни бутунлай ўзимизники бўлишини астойдил орзу қилдим...

Мухбирдан чиққан ҳоким

Тур давомида Сайхунбод тумани марказидаги бунёдкорлик ишлари, шунингдек, маънавият-маърифат, хизмат кўрсатишни юксалтиришга қаратилган лойиҳалар билан танишдик. Туман ҳокими Ботир Мирзақуллов барча саволларимизга аниқ ва лўнда жавоб берди.

Бир кунлик сафар —

Ҳамкасбларимиз ҳокимнинг телефон рақамини сўраш асосида: «Кўрқманг, обуна масаласида безовта қилмаймиз» деб ҳазиллашди. Бунга жавобан эса туман ҳокими бир пайтлар, яъни ўқувчилик йилларида ўзи ҳам туман газетасига хабар ва мақолалар ёзганини, таҳририятдан юбориладиган қалам ҳақи эвазига «энг бой ва обрўли ўқувчи» бўлганлигини фахр билан тилга олар экан, матбуот ҳар доим кераклигини, жамиятдаги муаммоларни кўрсатиш ва бартараф этишда тенгсиз минбарлигини таъкидлади.

Сайхун шаҳарчасида «Сайхун планет» МЧЖ томонидан туман ҳокимлиги кўмағида қурилган замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси иштирокчиларда катта қизиқиш ўйотди. Бу ерда аини пайтда Президентимизнинг 5 муҳим ташаббуси доирасида салмоқли ишлар бажарилган. Хусусан, мажмуанинг биринчи қаватида савдо

комплекси, иккинчи қаватида эса болалар ўйингоҳи ва иккита жами 80 ўринли кинозал ишлаб турибди. Яқин кунларда яна давлат хизматлари, Халқ қабулхонаси ўз фаолиятини бошлайди.

Одатда, пойтахтимизда жойлашган кўнгилочар марказларга бориб, бошқа жойда бунақа шароит бўлмаслигини, шунинг учун ҳам ақсарият юртдошларимиз Тошкентта интилишини ўйлаймиз. «Сайхун планет» ёшлар ва савдо марказига бориб эса, бу иштибоҳ унчалик ҳақиқатга тўғри келмаслигини англайман. Негаки, яратилган

шарт-шароитлар пойтахтимиздаги кўнгилочар мажмуалардан асло қолишмайди. Салқин ва шинам бино, замонавий аттракционлар болаларга завқ бағишляпти. Ота-оналар фарзандларининг шодон қийқириғига шерик. Ҳар кун шундай экан. Одам гавжум. Ушбу мажмуа «Ташаббус-2019» кўрик-танловининг вилоят голиби Хуриш Шарипов томонидан банкдан олинган 21,3 миллиард сўм кредит ҳамда тadbиркорнинг 14,5 миллиард сўм шахсий маблағи ҳисобига бунёд этилган. 28 та янги ишчи ўрнига эга мажмуа дам олиш кунларисиз ишлайди.

Туман ҳокимининг айтишича, марказда тез кунларда 5 та муҳим ташаббус доирасида Хотира хиёбони ва замонавий «Китоб олами» савдо мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилади.

**Ишончни оқлаш
масъулияти**

Ижтимоий тармоқлар, ОАВ орқали айрим вилоят раҳбарларининг мажлисларда ҳақоратомуз сўзларни ишла-



Журналистлар «Пенг-Шенг» корхонасига қарашли қўшқатор экилган ҳамда томчилатиб суғориш технологияси асосида парваришланаётган гўза майдонида ҳам бўлдик. Билдирилишича, қўшқатор усулида анъанавийга нисбатан бир гектарга 30 минг туп кўп кўчат жойлаштириш имконияти бор. Яна бунда агротехник тadbирларни бажариш учун далага трактор киритишга ҳам ҳожат йўқ. Дала соҳиблари гектаридан 50 центнердан кам ҳосил олмаймиз, дейишди ва уларнинг бу гапи аини пайтда ҳар туп гўзада ўртача 50-54 та ҳосил нишонаси борлиги билан ҳам ўз исботини топди.

да ҳаракатланадиган иш ва қулай машиналарда худудни айланар эканмиз, беихтиёр ҳайдовчиларни кузатаман. Улар ўзимизникилар. Каттагина жойни эгаллаб, яшиғина даромад олаётган хитойликлар эса ишбилармонлиги билан дунёга донг таратаётганлиги рост. Аммо уларда бор ақл, маҳорат, меҳнат-севарлик бизда ҳам бор-ку. Бирор бир халқни камситмаган ҳолда тан олайлик: бардошда, меҳнатда, сабру қаноатда ўзбекка етадигани йўқ. Шунча хислатлари бор миллатнинг заминидан қал ростлаётган корхоналар, уларнинг соҳиблари,

тиши, қўл остидигиларни изза қилишию кўр-кўрона тарзда одамларнинг уй-жойи, тadbиркорнинг лўқонини бузиб ташлаётганини кўриб, ёштиби безиб қолган эканмизми, вилоят ҳокими билан кўришасизлар, дейишганда, очиги, унча аҳамият бермадим. Аммо вилоят ҳокимлигининг шундоқ ёнгинасида бунёд этилган муҳташам «Қабуллар уйи»да Гофуржон Мирзаве медиа тур иштирокчиларини жуда самимий қарши олганидан ажабландим. Ахир, вилоят раҳбарининг вақти тигиз, қурилиш-бунёдкорлик ишлари авжида экан, мутасаддиларни сўкиб, тергаб турмасан, иш битармиди? Йўқ, ундай эмас экан. Раҳбар маданиятли, маърифатли бўлса, ҳамма ўз ишини билиб-билиб қилавераркан. Зотан, биз вилоятнинг қайси худудига бормайлик, бунинг гувоҳига айланиб улгургандик ҳам. Президентимизнинг юксак ишончини оқлаш, одамларни рози қилишга астойдил бел боғлаган вилоят ҳокимининг мақолу ҳикматларга боғлаб айтган сўзларини тинглаб, орзу ниятлари, мақсад-муддаоларини эшитиб, англадикки, бу инсоннинг гапига ишонса бўлади.

— Дастлабки кунларда айримлар: «Олти ойда ишни топширасан, қийин» дейишган эди, — дейди Сирдарё вилояти ҳокими Гофуржон Мирзаве. —



Давлат тест маркази ўз расмий телеграм каналида Қурбон ҳайити муносабати билан имтиҳонлар бошқа кунга кўчирилганини маълум қилди.



Президентимизга раҳмат, қўлаб-қувватладилар. Илгари вилоятимиз чўлга қиёсланарди. Бугун эса, аксинча, обод масканга айланмоқда. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Обод марказ» дастурлари бунда муҳим ўрин тутмоқда. Яна икки йилдан кейин ҳудуд бутунлай ўзгаради. Биз инвестиция киритиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича жиддий ишлаймиз. 2-3 йил илгари 8 та туман лотацияда эди. Бугун ишни тўғри ташкил қилганимиз учун вазият ўзгарди, яъни биргина ўтган йили давлат бюджетига 3 миллиардга яқин маблағ тушир-

бунёд этилади.

«Ховос сити». Ховос туманидаги 42 гектарлик ерда бунёдкорлик ишлари қизгин олиб борилаётган манзил. Ушбу лойиҳага асосан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Давлат хизматлари агентлиги, тижорат банклари, турар жойлар, мактаблар, истироҳат боғи, хотира майдони, кутубхона, китоб дўкони, кинотеатр, леҳзон бозори, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши режалаштирилган. Ўша кунлари ҳаво ҳарорати 44-45 даража иссиқ

риш, яшнатиш, обод этиш.

Айни кунларда янги марказда 30 та кўпқаватли уй қуриляпти. Шундан 20 таси Ховосда илк бор қад ростлаётган 5 қаватли уйлари ташкил этади. Уларда икки ва уч хонали 760 та хонадон бўлиб, шундан 600 таси арзон уйлари.

Дориламон кунлар келди...

Талбир доирасида Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида ҳам бўлди. 150 ўринга мўлжалланган ушбу мактабга қабул жараёнилари бошлаб юборилган. Республикаимизда ягона ижод мактаби сифатида бунёд этилаётган ушбу мажмуа ёшларимизнинг адабиёт борасида билимларини ошириш, илм уфқи кенг ёшлар сифатида улғайишига хизмат қилади. Яқинда ушбу муассаса директорлигига тайинланган таниқли шоир Муҳаммад Исмоилнинг айтишича, бу ерда нафақат Сирдарё, балки қўшни вилоятлардан ҳам иқтидорли болалар сабоқ олишлари мумкин экан.

«Дориламон кунлар келди, шафақлари ол, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор» деб ёзган эди бир пайтлар Ҳалима Худойбердиева. Кўп йиллар ишсизу эътиборсиз қолса-да, нолимаган, аммо армон ўқинчга тўла эди шоира қалби. Бу дил Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида эътибори туфайли қувончу бахтирликларга тўлди. Бугун эса унинг руҳини шод этиш мақсадида улугвор ишлар қилинаётгани қад ростлаётган мана шу мактаб мисолида ҳам яққол мужассамдир. Бу ҳурмат, бу эъзоз, истеъдодни асраб-авайлашга қаратилган бундай хайрли амаллар ўзининг шириндан-ширин мевасини кўрсатиши муқаррар.

Халқ билан бўл, халқ билан яша

«Халқ билан мулоқот», «Давлат идораларининг халққа хизмат қилиши», «Одамларни рози қилиш», «Ишонтириш, инонтириш...» Бу каби сўзлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жонажон Ўзбекистонни беҳад севиши, эзгу ниятли халқимизни қадрлаши туфайли дилдан тилга кўчганидан далолат. Бинобарин, ижод аҳлининг одамлар орасида кўпроқ бўлиши эртаимизни ўйлаб қилинаётган ишларнинг қўламини, асл моҳиятини тарғиб этишга хизмат қилади. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимовнинг таъкидлашича, бундан кейин бу каби медиа турлар «Журналист ва ҳаёт» лойиҳаси асосида барча вилоятларда ташкил этилади. Демак, халқ билан мулоқот кундалик ишимизга, ҳаётимиз мазмунига айланиб бораверади.

Дарвоқе, «Буюк келажакни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурагимиз», деган эзгу ташаббус ила кейинги икки ярим, уч йилда биргина Сирдарё вилояти мисолида рўй бераётган ўзгаришларни уч-тўрт бетлик мақолада қамраб олиш қийин. Аслида, шу пайтгача сабр-қаноат билан яшаб келган, бугун эса давлат раҳбарининг гамхўрлиги, меҳридан таъсирланиб яхши кунларга умиди уйғонган халқнинг, оддий одамларнинг юз-кўзидagi қувонч, мамнуниятни кўриб, улар билан юзма-юз суҳбатлашиш таъсиридан асарлар ёзилса, китоблар яратилса, арзийди.

Аминимизи, шундай кунлар яқин.

Мақсуд ЖОНИХОВ

970 кунлик зафар

дик. Бу йил ЯИМни 1,5 триллионга етказишни мўлжаллаганмиз. Қолаверса, йил якунига қадар 178 миллион доллар микдорлиги инвестиция киритмоқчимиз. Бу борадаги режа дастлабки олти ойда қарийб 60 фоизга бажарилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан

бўлишига қарамай, қурувчиларнинг ишлаётганини кўриб, англадикки, ўз юртини нурафшон, кўнгилларни чароғон этмоққа бел болаган одам учун этни жунжитирадиган изгирину олов пуркайдиган офтобнинг таъсири йўқ экан. Улар учун бир маслак муҳим: қу-

Жамоатчилик назорати

Дилдора Ўралова Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Пашғор дехқон бозори»даги «Динара» гўзаллик салонини юрилади. Унинг ёнида бозор паттачиларининг хонаси жойлашган. Абдумўмин Муҳаммадиев паттачи бўлиб ишлайди. Унинг хотини Гулчехра Жабборовна салоннинг бошқа томонида савдо-сотик билан шуғулланади. Улар анчадан бери бир жойда ишлагани учун бир-бирлари билан яхши таниш. Деярли ҳамкасблар.

рий жазо тайинлайди. Барибир миш-миш ва жанжаллар адоғига етавермайди. Жорий йил 9 июнь куни Жиззах вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг очик суд мажлиси бўлиб ўтади. Ҳар-туғул, текширув-суриштирув ишлари самара бериб, иш бир қадар ечимини тонади.

Унга кўра, даъвогар хато қилгани, уларнинг бирга тушган расмини кўриб, рашк туфайли жанжал кўтарганини айтиб, барчадан кечирим сўрайди...

Энди айтингчи, шунча гап-сўз, ур-тўполонлар одил суднинг текширувлари ва қароридан кейин йўққа чиққани, арзимас рашк учун гулдай оила пароканда бўлганини қандай

қолиши, қайнонанинг маҳалла аёллари орасида обрўсизланиши, энг ёмони, тўхматларга қолган келинчакнинг кўчага ҳайдалиши — нечоғли оғир.

— Шу кунларда мурожаатимдан сўнг Республика хотин-қизлар кўмитасидан вакиллар келиб, бизни яраштиромоқчи бўлиши, — дейди Д.Ўралова. — Лекин қайнонам уларни эшитишни ҳам истамади. Уларга қаттиқроқ жазо берилмагунча, уйга кирмаслигимни айтди. Алам ва хўрликларга чидаёлмай, ажрашиш учун ариза бердим. Мени ва фарзандларимизни ўйлаган эрим орқамдан бориб ажрашмаслигини айтиб келипти. Тўхмат балосидан асрасин, деб

Бу азалдан маълум. Унинг батамом йўқолиб кетишим дар-гумон. Бунинг учун инсонда кучли ирода ва сабр-бардош бўлиши керак. Одамлар нима топарди бу миш-мишлардан? Бу орада номусга чидаёлмаган Дилдора ўз жонига қасд қилмоқчи ҳам бўлди. Агар бу ишни амалга оширганда нима бўларди? Унинг хуни кимнинг гарданига тушарди? Тўхмат қилганларга, ор-номусга чидаёлмаган эр билан қайнонагами? Ҳеч кимга. Барчаси Дилдоранинг бўйнига тушарди. Чунки ҳамма «айбдорлиги учун жонига қасд қилди», деган қарорга келарди.

Бугун уэр сўраб, қутулиб кетган А.Муҳаммадиев нега Дилдорани оқлашга ёрдам бермапти? Маҳалла фаоллари билан бирлашиб, имом-хатибларни бошлаб келиб, булар тўхмат эканини одамларга тушунтирса, оила бузилмаслигига бир қадар ҳисса қўшган бўладику. Аввало, бу ташаббусни маҳалла фаоллари илгари суриши керак.

Азиз муштариф, мақола билан танишанингиздан сўнг, фикрларингизни йўлланг, маслаҳатларингизни аяманг, бу сарсончиликнинг ечимини топишда бир ватандошимизга ёрдам берайлик.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Жамият» мухбири

Тўхматга қолган келин

Кунлардан бир кун Г.Жабборовна Д.Ўралованинг ёнига келиб, «Сен менинг эрим билан юрасан», деб жанжал кўтарди ва салонда эри билан Д.Ўралова тушган расмини кўрсатади...

Хўш, аслида бунга нима сабаб бўлди? Гап шундаки, бозордалик пайтида А.Муҳаммадиевнинг кўзига нимадир кирди. Яқин бўлиши учун тезда салонга кириб, Д.Ўраловадан ёрдам сўрайди. Қўл телефонининг олди камерасини ёқиб, кузатаётган пайтида расмга тушиб қолади. Бундан А.Муҳаммадиевнинг ҳам хабари бўлмайдди. Уйга борганида эса телефонини фойдаланиш учун олган хотини расмини кўради ва туюқиб кетади. Аслида нима бўлганини тушунтиришга ҳарчанд уринмасин, рашк ўтида ёнаётган Гулчехрага гап кор қилмайди. Тўхмат қилишда давом этаверади. Охири иш судгача етиб

боради...

Айни пайтда арзимангас, асосиз, кўзни кўр қилган рашк туфайли Дилдоранинг оиласи бузилди. Онасининг, укаси-

нинг уйида кичик фарзанди билан яшаб юрипти. Икки катта фарзанди қайнонасиникида. Дилдоранинг олдига қайнонасини шундай шарт қўйдикки, унга кўра халқ орасида тарқалган гап-сўзлардан ўзини оқламагунча, уйига қайтишга рухсат йўқ.

Турли гап-сўз ва оилавий жанжаллар авж олавергач, Зомин туман маъмурий суди иккала томонга ҳам маъму-

тушуниш мумкин? Тўғри, ҳар иккала томон ҳам бу жараёнда бир-бирига анчагина маънавий зарар етказди, лекин вояга етаётган қизи — фарзандлари бор

« Дилдоранинг олдига қайнонасини шундай шарт қўйдикки, унга кўра халқ орасида тарқалган гап-сўзлардан ўзини оқламагунча, уйига қайтишга рухсат йўқ. »

гулдай оила барбод бўлди-ку!

Биласиз, қишлоқчилик, гап-сўз қанчалар оғир ботиши, айниқса, хотинига салон очиб берган эрининг бош кўтаролмай

халқимиз бекорга айтмаган экан. Буни бошимдан ўтказиб билиман. У оила ўз йўлида давом этапти. Менчи?.. Бировга ёрдам беришнинг бадал ишунчалар оғир бўлишини қанийди аввалроқ билганимда?!

Дилдора тахририятимизга келганда биринчи мақсади эл орасидаги миш-мишлардан ўзини оқлаш эди. Халқ орасида яхши гапдан кўра ёмони тез тарқайди.



26 августдан «UzAuto Motors» АЖ заводларида ҳар йиллик режали профилактика ишлари бошланади. Шу сабабли завод автомобиллар ишлаб чиқаришни вақтинча тўхтатади.

«Ватан менга - ўша ҳур қишлоқ...»

«Бешта муҳим ташаббус — эртами эгалари истиқболи йўлида» номли тadbирлар жараёнида бир гуруҳ маърифат тарғиботчилари Андижон вилоятида бўлди.

Вилоятнинг чекка-чекка туманларидаги қишлоқларини кезарканмиз, табиятнинг гўзаллигини кўриб, кўзимиз қувнади. Бир томонда тоғларга бориб туташган чексиз боғу-роғлар, бир томонда ям-яшил гўза пайкалини кўриб, миришкор боғбону бободеконларимиз меҳнатига таҳсинлар айтдик. Бир-биридан кўркам бинолар — қишлоқларимиз ҳам шаҳардан қолишмайди даражада замонавийлашганига ишонч ҳосил қилдик. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг Ватан раванқи, халқ фаровонлиги йўлидаги интишларидан бошимиз осмонга етди.

Мезбонлар бизни Марҳамат туманидаги 5-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабига бошлади. Мактабга киравришда турган портрет эътиборимизни торгди. Унда халқимизнинг сеvimли шоири Муҳаммад Юсуфнинг қўлида бир кучоқ долақизгалдоқ билан маънос жилмайиб турган ёрқин чеҳраси акс этган эди. Гўё бизни машҳур шоирнинг ўзи «Марҳаматга хўш келибсизлар» деб кутиб олгандек... Уни дил-дилдан соғинганимизни ҳис этдик. Портретни шу мактаб битирувчиси Ҳилолаҳон Тошўлатова чизган экан.

— Кўриб турганингиздек, халқимизнинг сеvimли шоири, юртошимиз Муҳаммад Юсуф ҳаминша биз билан. Хар бир қилаётган ишимизга ҳамкору малалдор, — деди бизга пешвоз чиққан мактаб директори Отахон Тўланбоев.

Мактабда мусиқа йўналиши бўйича 216 нафар, санъат йўналиши бўйича 75 нафар ўқувчи таҳсил оларкан. Каттагина маърифат хонасида мактаб педагогик жамоаси, барча ўқувчи-ёшлар ва шу атрофда яшовчи маҳалла аҳли йиғилишган.

Дастлаб, «Ўзбекфильм» киностудияси актёрлари йиғилганларга

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти, сўнг санъатнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўзлаб берди. Ижро этган ролларидан монологлар ўқиди.

— Бу ерда таҳсил олаётганлар орасида санъатга ва адабиётга қизиқувчилар борми, — дея истедодли ёшларни даврага чорлади «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси бош мутахассиси Матлуба Маҳкамова.

Мактаб ўқувчиларидан Сарвиноз исмли қизалоқнинг «Онажоним» кўшигини маромига етказиб ижро этиши, Моҳижаҳонбегимнинг инглиз тилида бурро-бурро шеър ўқиши, Умрийхон қизимиз таниқли шоира Зулфиянинг «Халқим» шеърини, Мехрибонхон Биринчи Президентимиз Исломо Каримов хотирасига бағишланган марсияни, Севинч исмли қизимиз эса таниқли шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Ўзбекистон» шеърини ифодали ўқиши бу мактабда бешта муҳим ташаббуснинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни адабиёт ва санъатга қизиқтириш борасидаги йўналишлари тўғри ташкил этилганидан далолат беради.

Тadbир баҳонасида мактаб ўқувчилари санъат ва адабиёт соҳасида бир қанча ютуқларга эришганига гувоҳи бўлди. Жумладан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўртасида ўтказилган «Академик ва эстрада ижрочилиги» Республика танловининг вилоят босқичида шу мактаб ўқувчиси Ирода Исмоилова вокал йўналишида 1-ўринни, Гулшода Маҳбубжоновна 2-ўринни эгаллади. 1-синф ўқувчиси Дилкашбек Равшанбеков вилоятда ўтказилган «Рақс сеҳри» танловида энг ёш қатнашчи номинацияси гoлиби бўлибди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг таъсирли санъат йўналишида ўтказилган «Энг фаол ёш ишчи касби эгаси» Республика кўрик-танлови туман босқичида мактаб ўқувчилари биринчи ўринни қўлга киритибди. Бу эса юқоридаги фикрларимиз нечоғли тўғри эканини тасдиқлайди.

Шоирни ёд этиб

Тadbирлардан сўнг, халқимизнинг сеvimли шоири Муҳаммад Юсуф қабрини зиёрат қилиш ниятида «Қовунчи»га йўл олди...

Мана, бир четидан шовуллаб анҳор оқиб ўтган маҳалла — шоир туғилган маскан. У ўз қишлоғидаги «Ғишт кўприк» мазоридан мангу кўним топган. Қабристонга киравришда Муҳаммад Юсуфнинг ўша қадрдон, барчамизга таниш, ёқаси бироз кўтарилган пальтода

ги буй-баста билан тушган маънос сурати. Сурат остидаги «Бу қабристонда



Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Муҳаммад Юсуф дафн қилинган» деган ёзув қалбимизга нинадек санчилиди.

Қадамларимизни секинлатиб, оҳиста ичкарилаймиз. Атрофда чексиз сукунат, қабристоннинг кунботарида шоир қабри устида ўрнатилган усти ёпиқ ёдгорлик кўзга ташланади. Мозор атрофида тераклар ўз қадрдон шоирининг оромини кўриқлаган аскарлардек саф тортиб туришибди. Марҳаматдаги барча тераклар шу ерга жам бўлгандек, гўё. Уларга боқарканман, беихтиёр шоирнинг илк китоби — «Таниш тераклар» ёдимга тушди. Юрагим ҳапқириб кетди. Шоирнинг ўша шеъри қулоқларим остида жаранлагандек бўлди:

*Қўя ушлашиб турган шаддо қизлардек
Қошда ўсма, қулоғида зираклар.
Тулолади менга қишлоққа борсам,
Таниш йўллар бўйидаги тераклар...*

О, таниш тераклар, садоқатли таниш тераклар, сизлар баъзи одамлардан кўра меҳрибонроқсиз, деган ўйлар кечали хаёлимдан. Шоир машҳурлигида атрофида қанча кишилар гирдиқапалак бўлган. Лекин бугун сиз ва унинг онаизорининг руҳигина ҳануз унинг бошида парвонасиз, бедорсиз...

*Қабристон. Атрофга ташлаб кўз қирин,
Нечундир жунжисиб кетар юраклар.
Тинчин асрагандек азиз шоирин
Аскардек саф тортмиш таниш тераклар.*

Шоир қабртошига: «O'zbekiston xalq shoiri Muhammad Yusuf 26.04.1954 — 2001.31.07 Bu yorug' dunyoda o'chmas chirog'im» деган сўзлар нақшлаб кўйлибди.

— Ҳа, ҳали элликка ҳам кирмасдан, ўзбек адабиёти учун оламшумул ишлар қилди кетди, укамиз, агар адабиёт ва санъат бўлган бугунги юксак эътиборни кўрганида қувонганидан яна қанча шоҳ асарлар битарди-я, — дейди кўз ёшла-

рини тиёлмай, актриса Барно Қодирова.

Қабристондан чиқдик. Йўл ёқалаб бир анҳор шовуллаб оқипти. Бир вақтлар Муҳаммадхон болалигида мана шу кўчалар бўйлаб юрган, мана шу анҳорда балиқдек чўмилган бўлса, ажабмас, деган фикр ўтади хаёлимдан. Бошимиз узра қалдирғочлар чарх уриб учеди. Гўё улар ҳам қадрдон шоирларини тополмай жонсарақдек. Хаёлимда яна шоир мисралари айланади:

*Ватан менга — ўша
ҳур қишлоқ,
Ва қалдирғоч йўқлаб
келган беҳисоб...*

Бугун оламга машҳур шоирни берган олдийгина қишлоқда ҳануз ҳаёт оқими анҳор сувидек шовуллаб оқмоқда. Шоир номидаги ижод мактабида кўшлаб истедодли ёшлар таълим олиб, унинг эзгу ишларини давом эттиришга шайланмоқда. Демак, Муҳаммад Юсуф ўлмаган, у ҳаминша биз билан ҳамқадам, ҳамнафас. Зеро, эзгулик чироғи ҳаминша кўёшдек мангудир...

Асака ёшлари дунёни забт этмоқда


Навбатдаги сафаримиз Асака туманига бўлди. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати бўйича ўринбосари Ёлгорбек Абдуғаниев ҳамроҳлигида халқ таълими аълочиси Ёрқинбой Долимов раҳбарлик қилаётган 11-сонли болалар мусиқа ва санъати мактабида бўлди. Бу ерда ҳам 5 та муҳим ташаббус аллақачон ёшлар қалбига жо бўлган.

Эллик нафар моҳир педагог 450 нафар ўқувчига 18 та мутахассислик бўйича таълим бериб келаётган ва маскан ўқувчиларининг халқро мубеъсада эришган ютуқлари талайгина. Жумладан, фортепиано бўйича 6-синф ўқувчиси Моҳигул Низомова 2016 йил Италияда бўлиб ўтган «Салом Италия» халқро кўрик-танловида учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлиб, яна бир 6-синф ўқувчиси Моҳинурпошша Долимова жорий йилда Хитойнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ дурдоналари» халқро кўрик-танловида шу йўналишда гoлиб бўлганини эшитиб, бошимиз кўкка етди.

Учрашув жараёнида бир неча истедодли ёшларнинг шеърларини тингладик. 52-сонли мактаб ёшлар етакчиси Гулҳаё Комилжонованинг «Истиқлол фарзандиман» деган илк китоби нашрдан чиққан экан. Унинг ҳароратли шеърларини ўқиб қалбимиз нурга тўлди...

Кечки поездда пойтахтга қайтарканмиз, водийнинг юксак довларию шарқироқ сойлари бизни йўл-йўлақай кузатиб келгандек туюлди. Учрашувлар жараёнида Андижон аҳли, хусусан, ёшлар Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус мазмун-моҳиятини беш қўлдек пухта ўрганиб, ҳаётга татбиқ этаётгани ва келусида эришадиган ютуқлари билан беш қитъани лол этадиган гайрат шижоатга эга эканлигига ишончимиз комил.

Зиқрилла НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси



Тошкент шаҳрида болаларни мактабларнинг 1-синфига қабул қилишда пул ундирилмайдиган бўлди.

Бир вақтлар ўз томирини тишлаб, боласига қонидан ичириб, ўлимдан сақлаган оналар бўлган.

«Гўдақлардан жаннат иси келади», дейишади. Сўнгги йилларда аёллар томонидан ўз боласини сотиш, турли йўллар билан жонига қасд қилиш, норасидаларга зулм ўтказиш каби мудҳиш жиноятлар тафсилоти қулоғимизга тез-тез чалиниб турибди.

Хусусан, Фарғонада аёл ўз боласини бўғиб ўлдирishi билан боғлиқ қабохат атрофида кўтарилган шов-шув эндигина тинаётган бир вақтда нафақат миллатимиз ва жамиятимиз, балки бутун инсоният учун шармандали яна бир жиноят содир этилди.

Сурхон воҳасида биз фариштага менгазайдиган бегуноҳ гўдак ўлимга маҳкум қилиниб, ҳожатхонага ташланиши барчамизнинг қалбимизни ларзага келтирди.

Бу мавзунинг очишдан мақсадимиз бундай чиркин воқеа атрофида янада шов-шув кўтариш ёки кимгадир қатъий ҳукм ўқиш эмас. Балки огоҳлик бонгини қайта-қайта чалишди, токи меҳр-шафқат, қадр-қиммат ва масъулият ҳамиша ҳар нарсадан устувор турсин.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб ўтишни истар эдикки, қайсики ёвузликка қўл урган кимсалар вақти келиб олий Ҳакам билан юзма-юз келиши, унинг сўрови ва жавобгарлиги жуда-жуда оғир келишини билармикан?

Меҳр олдида ўлим ҳам ожиз

«Жаннат оналар оёғи остидадир», дейилади муборак ҳадиси шарифда.

Шу ўринда кўнглимиздан беихтиёр саволлар ўтади. Аёл аталмиш нозик хилқатни бундай юксак эътирофга сазовор қилган унинг гўзаллигини, ақлу фаросатини ёки лағофатини?

Бунинг сир-синоати, сеҳри нимала? Бу саволларга Гётенинг куйидаги сўзларидан жавоб топиш мумкин: «Аёлнинг бор қудрати ва жозиба кучи унинг оналик муҳаббатидадир».

Ўша тунда онам келмади

«— Онамни зўрга эсламан, — дея ҳўқоя қилади «Бухенвальд» концлагерининг собиқ асири Юрченко Петр Максимович «Онам ҳақидаги хотиралар» китобида. — Немис фашистлари қишлоғимизга бостириб кирганида 3 ёшда эдим. Бизни бошқа асирларга қўшиб поездада қаёққадир олиб кетишаётганда онамнинг бағрида эдим. Онам гоҳ чўнтақларини титқилаб, гоҳ қаерлардан тимириқиланиб, бир нималар топиб келар ва оғзимга соларди. Манзилга етиб келганимизда онамдан айиринди. Онамни ишчилар, мени эса донорлар, яъни немис солдатлари учун қон топирувчи болаларга ажратил-



Фарзандини сотаётганлар, ўлдираётганлар уларни инсон деб бўладими?

ган хароба баракларга жойлаштиришди. Фарзандидан айрилишни истамай дол-фарёд қилган аёлларни фашистлар жойида отиб ташлашарди. Орамиздаги масофа тахминан 2-3 чакирим эди. Лагерда оналар ва болалар бир-бири билан кўришиши қатъий тақиқланган бўлиб, интизомни бузганлар учун сўзсиз ўлим муқаррар эди. Очлик ва қон топириш болаларнинг силласини қуритган, ҳар дақиқада ўнлаб болалар ётган жойидан туролмай ўлиб қолишарди. Учтинчи ёки тўртинчи тунда қулоғимга ўзимгагина таниш бўлган, жуда паст шивирлаган овоз чалинди: — Мимо... Мимо... Онам мени эркалаганда шундай деб атарди. — Ойи, ойижон, мен бу ердман. Мажолсизликдан судралиб ёғоч деворга ёпишдим. — Тш-ш... секин, Мимо. Худога шукр, тирик экансан. Сени кўп қидирдим.

Онам девор тирқишидан қўлимга бир дона хом картошка тутқазди. Нодир неъматни деярли чайнамай ютдим. Томиримга қон югургандай бўлди. Шу ондан бошлаб онам ҳар кун тун ярмидан оғиб, қоровулларни ўйку маҳв этган палла менга гоҳ яримга музлаган картошка ёки бир тишлам қора нон, гоҳида сабзавот пўчоқларини келтирарди. Концлагерга мен билан келтирилган болаларнинг деярли барчаси очлик ва камқонликдан ўлиб кетди. Ўрнига яна янгиларини келтиришарди. Менинг қилга осилиб турган ҳаётимни онамнинг меҳр-муҳаббати асраб қолди. Онам ўзига берилган озгина егуликларни емасдан, жонини хавф-хатарга қўйиб бўлса-да, менга ташиганини кейинчалик тушуниб етдим. Азоб-укубатли кунларнинг бирида онамни кута-кута қў-

зим илинди. Немис овчаркаларининг безовта ақиллаши ва автоматнинг тариллашидан чўчиб уйғондим. Ўша тунда онам келмади. Эрталаб тонгда солдатлар барангимиз яқинида ўлиб ётган бир аёлни судраб олиб кетишаётганини ўша девор тирқишидан кўрдим. Аёлнинг мен томон чўзилган қўллари яримта картошкани маҳкам чангаллаб олганди...»

Кўникиб кетаверамизми?

Халқимиз энг улуғ инсоний фазилатлари билан дунёга танилган. Урушнинг азоб-укубатли йилларида ҳам, очлик ва қаҳатчилик суяк-суякларигача зирқиратган кунларда ҳам миллийлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт бўлган ҳар қандай иллатларга мурасасиз бўлишган. Аждодларимиз юракларида имону эътиқод ва меҳр-оқибат шу қадар кучли бўлган-ки, аёллар шаънини жон қадар яқин, ор-номус, инсофу диёнатни ҳар қандай орзу-ҳаваслардан юқори қўйишган.

Санокли йиллар олдин ота-онаси тирик бўла туриб етимхоналарда тарбияланган болалар мавзуси жамиятимиз учун оғриқли масала эди. Фарзандларини гоҳ яширин, гоҳ ошқора болалар уйига ташлаб кетаётган ота-оналар қаттиқ қораланарди.

Бундай иллатлар нафақат ўзи, маҳалла аҳли, кўни-қўшнилари учун ҳам иснод саналган. ОАВ саҳифаларида ўзини бозорга солаётган енгилтак хотин-қизлар, қутлуг ошёнени буллаган қўшмачи аёллар, ўн гулидан бири очилмаган бокира қизларни алдов йўли билан чет давлатдаги фоҳишахоналарга сотиш билан шуғулланувчи «одам савдоси» қорчалонлари ҳақидаги мақо-

лаларни ўқиб, миллат шаъни ва қадр-қимматига чин дилдан ачинганимиз, юрагимиз оғрингани ҳали унут бўлганича йўқ.

Бозорга солинган болалар

Яқинда тўқсонни қоралаган тоғамнинг кўзида ёш кўриб, тинчим бузилди. У киши ўқиётган газетани қазаб билан четга улоқтирар экан, кўз ёшини яширолмади. «Ўқиманг дейман-ку сизга. Мана энди яна икки уч кун қон босимингиз кўтарилиб юради», дея жавради янга. Йигир-

ма беш ёшли ўғил отасининг кўнгли бўшлиғидан кулган бўлди: — Э, шунга шунчами. Нима, биринчи бор эшитмасизми, бундай воқеаларни?..

Қизиқсиниб газетани қўлимга олдим ва тоғамнинг кўнглини бузган мақолани ўқишга тутиндим. Унда андижонлик аёлнинг саккиз ойлик ўғлини 1000 долларга пуллаш мақсадида харидор излагани ва жигарғўшасини сотаётган вақтида қўлга олингани ҳақидаги тафсилот ёзилган экан.

— Одамлар бир тишлам нонга зор бўлган, очликдан силласи қуриб, кўча-кўйда ўлиб ётган кунларни кўрдим, лекин ўз фарзандини сотган бирор-бир одамни эшитмаган эдим, — деди тоғам куйиниб. — Атрофга қара, қандай фаровонлик. Машаққат йўқ, оворагарчилик йўқ, истаган ноз-неъмат тайёр. Овқатни танлаб есак, кийимни саралаб кийсак. Шундай тўкин-сочин замонда боласини сотиш қабохатдан бошқа нарсасиз.

Кескин, аёвсиз бўлса-да, тоғамнинг фикрига қўшилмай, жиянимнинг эътирозини ҳам эътироф этмай илож йўқ, деб ўйладим ва беихтиёр ижтимоий тармоқларда кўзқориндай пайдо бўлаётган бу каби нохуш иллатлардан бири ёдимга тушди.

Қашқаларёлик Камола (исм-шарифлар ўзгартирилган) мактабни битиришга бардоши етмади ёки истаги бўлмади, ўқиниш тамом йиғиштирди-да, тўсатдан Самарқандга отланди.

— Бошқа ўқимайман, — деди ўз тақдирига ўзи ҳўжайин қиз. — Самарқандда таниш дугоналарим официант бўлиб ишлаяпти. Уларнинг олдида бориб, мен ҳам ишлайман. Унинг ота-онаси қиз бола ёлғиз ўзи қарерга кетаяпти, дугоналари кимлиги билан на қизиқишди, на эътироз билдиришди. Камоланинг таниш дугоналари ўзидан 5-6 ёш катта

бўлиб, кўчада тасодифан танишиб қолишганди. 16 ёшли қиз улар яшаётган уйга келгач, бу опаларнинг ҳеч қарерда ишламай, маишатда яшашларини билди. Лекин уни орқага қайтаргучи, тўғри йўлга солгучи кимса топилмади. Бу орада Камола ўзи танимаган, билмаган оидали йиғитдан ҳомилдор бўлиб қолди. Иложсиз қолганда, яна «меҳрибон опалар» ёрдам қўлини чўзишди, яъни ҳали туғилмаган гўдакка харидор топишди.

«Ҳам шармандалиқдан қутулсан, ҳам яхшигина пул ишлаб оласан», дейишди. Бу гап Камолага мойдек ёқиб тушди, ахир, унинг мақсади ҳам шу эди-да. Уддабурон қиз йигирма кунлик чақалоғини 1000 долларга сотаётган пайтида қўлларига кишан солинди. Не ажабки, суд залидагина бола тақдирига бефарқ ота-она ва енгил ҳаётга иштиёқманд қизнинг кўзлари «ярқ» этиб очилгандай бўлди.

Иллатнинг илдизи қаерда?

Дано халқимизнинг «Иллат иллатни қақиради», деган нақли беҳиж айтилмаган. Бу ҳикмат замирида улкан ҳақиқат бор. Зотан, арзима пулга сотилган, ахлатхона ва ҳожатхонага ташлаб кетилган болалар аслида, номуссизлик ва балнафслик қурбонларидир.

Тўғри йўлдан адашган ўғил-қизларимизнинг жиноий қилмишлари, аввало, ота-она, маҳалла, мактаб ва бошқа тегишли мутасалди ташкилотлар, масъул ходимларнинг масъулиятсизлиги, касбий бурч ва вазифаларига «мендан кетди, эгасига етди» қабилида ёндашишлари, бир-биримизнинг тақдиримизга лоқайдлигимиз мевалари, десак, муболага бўлмас.

Очиғи, ёнгинамизда яшайдиган айрим кўни-қўшнилариимизнинг номуссизлик, қўшмачилик каби «бизнес» фаолиятини кўрмаймиз, эшитмаймиз. Сабаби, бир сўз дейишга оғиз ростлаган «ёзувчилар» ва «ичи қораларнинг оғизларига урадиган бойвачча «талбиркорлар» олдида ҳаттоки айрим маҳалла, ички ишлар ва бошқа тегишли мутасалди ташкилот ходимларининг тили қўсиқлигидан хижолат тортамиз-да.

Шукрки, миллат шаъни, ёшлар тақдирини, комил инсон таълим-тарбиясига жонқуяр ҳамюртларимиз кўпчилигини ташкил этади. Улардан бирлари оилада, ўқув муассасаларида азалий қадриятларимиз манбаи бўлиш ислом таълимотига кенгроқ эътибор қаратиш керак, деган фикрда.

Бу борадаги бурч ва масъулиятни янада кучайтириш ҳамда жавобгарлик таъсир чораларини қатъий белгилаш тарафдорлари ҳам талайгина.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
журналист



Давлат солиқ қўмитасининг буйруғи билан Ўзбекистоннинг йирик солиқ тўловчилари рўйхати эълон қилинди. Ундан республиканинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган 1416 та хўжалик субъекти жой олган.



«Аллалайдиган» маърузалар

ёхуд таълимнинг сифати ва самараси нимага боғлиқ?

Бу савола педагогнинг замонавий талабларга жавоб бериши, ахборот технологияларини пухта ўзлаштириши, ўз фанини чуқур билиши, кенг қамровли билимга эга бўлиши, ўз ишига масъулият билан қараши, дея жавоб берамиз. Тўғри, буни инкор этолмаймиз. Лекин фақат шуларгина сифат ва самарани мезони бўла олармикан?

Ўз фанини чуқур билган, назарий жиҳатдан пухта, бўйи баробар китоблар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар ёзган мутахассислар бор. Бироқ уларнинг айримлари минбар, микрофон ва видеокамера орқали аудиторияга юзланса, кўрқув ва ҳаяжонга тушади, билганини ҳам айтолмай, фикри пойнингтар-сойингтар йўсинда бўлади. Энди тасаввур қилинг, ўз фанига, мавзусига қизиқтира олмаган, таълим таъсирчанлигига риоя эта олмаган педагог қандай қилиб ўқувчига етарли билим бера олади? У қандай йўл билан тингловчинни ром этиши, талабани маълиё қилиши, ўзига, сўзига эргаштира олиши мумкин?

Халқимизда «Ўзингга қараб кутарлар, сўзингга қараб қуятарлар» деган нақл бор. Бу бежис эмас, албатта. Чунки инсоннинг ўзлиги учун кўзгу унинг сўзидир. Кишининг икки оғиз сўзидаёқ, унинг билим савияси, маънавияти, дунёқараши, табиати, феъл-атвори намойён бўлади. Шунинг учун ҳам педагогнинг нутқий ва ҳулқий маданияти улдуғвор мақсадларимизни, таълим тизимидаги истиқболли режаларни амалга оширишдаги муҳим қуролидир.

Таълимнинг калити — нутқ билан, тарбиянинг калити — ҳулқ билан гўзал. Нутқий ва ҳулқий маданиятга эга бўлмаган шахсни комил инсон, авлодни баркамол авлод деб бўлармикан? Ана шу маънавий ҳамда маърифий эҳтиёж



ни назарда тутган ҳолда, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги олтин занжир — мулоқот ва муомала маданияти ҳисобланади.

Тасаввур қилинг, тарозининг бир палласида сизга мактабда ёхуд олий таълим муассасасида дарс берган ўқитувчининг (маърузаси), иккинчи палласида эса амри маъруф қиладиган имом-хатибнинг нутқи. Айтингчи, қай бирини эшитишга халқда мойиллик устувор, қай бирида оқнараб бор, қайси бири ўзига тортади? Шубҳасиз, кўпчилик иккинчисини танлайди. Хуш, нима учун? Чунки биздаги диний бўшшиқ, уни тинглашга бўлган мойиллик, онгимизга болаликдан жойланган қироат ҳамда Қуръондан келтирилган сура ва оятлар ҳамда ҳалиси шариф намуналари, ўғитлар, ҳаётий мисолларни эшитиб, улардан ибрат

олишга ўрганганмиз. Шу боис ҳам биз уни беихтиёр мароқ билан тинглаймиз. Педагог нутқини эса...

Дарс машғулотиридан бирида шу нарсанинг гувоҳи бўлганман. Зериктирувчи нутқи билан маъруза қилган ўқитувчига бир талаба икки қўлини кўксига қўйиб, «Устоз, сизга минг раҳмат, маза қилдим», деди. Таажжубга тушган ўқитувчи унга: «Ўғлим, салкам қирқ йилдан бери дарс бераман, худди шу сўзни, шу илтифотни кутиб яшадим, кутиб ишладим, нима учун раҳмат деб миннатдорлик билдирдингиз», деса, унга жавобан талаба шундай деди: «Домлажон, шундай «чиройли» маъруза ўқидингизки, онаминг алласи ҳам мени бир соат бу даражада маъруза қилиб ухлатмаса керак». Кулгили, лекин аслида, бу фожиа. Ўқувчи фандан безса, эртага ватандан безади, ватандан безса индинга ватангадо бўлади, ватангадо бўлса, охир-оқибат кафангадо бўлади.

Аслида, педагогнинг вазифаси нима? Фанга қизиқтириш орқали ўқувчининг эргаштириш, таълимнинг таъсирчанлигига эришиш эмасми? Педагог қайси фандан дарс беришидан қатъий назар, аввало, унинг нутқи гўзал бўлиши шарт.

«**Ўқувчи фандан безса, эртага ватандан безади, ватандан безса индинга ватангадо бўлади, ватангадо бўлса, охир-оқибат кафангадо бўлади.**»

Куним ўтса бўлди, эшитса, эшитсин, ўрганмаса, ўрганмасин, деган бепарволик лоқайдликка йўл очади. Барча иллатларнинг ини эса лоқайдликка.

Воизлик ниҳоятда шарафли ва айни пайтда масъулиятли касб. Омма олдига чиқиб, бир неча соатлаб нутқ сўзловчи киши тингловчиларнинг туйғуларига таъсир ўтказиши, ишонтириши, сўз сеҳри билан уларни тўлқинлантириши

учун жуда катта билим ва иқтидорга, фасоҳат ва маҳоратга эга бўлиши лозим. Бу хусусият муаллим ва мураббийларга ҳам бегона бўлмалиги керак.

Афсуски, кейинги пайтларда мулоқот ва муомала жараёнида сўзни ифода этишда адабий тил қоидлари ва меъёрларига риоя этмаслик ҳолатлари учраётти. Бу эса саводхонлигимизга пугур етказибгина қолмай, балки маънавийтимизни тубсиз жарлик сари етакламоқда. Саводхонлик иккита асосга таянади: оғзаки ва ёзма нутқ. Ҳар иккаласини қўллашда кўз юмиб ўтолмайдиган камчиликларимиз бор. Бунга бефарқ ва лоқайд бўлсак, келажак бизни асло кечирмайди.

Мавзуга даҳдор маълумотларни тўплаш, далил ва асосларни йиғиш ҳамда уларнинг таъсирчанлигига эътибор қилиш педагог тарғиботчиларнинг диққат марказида бўлади. Бунинг учун олий таълим муассасаларининг ўзида илк боқчи, яъни профессор-ўқитувчилар ўртасида нотиклик санъати билан боғлиқ турли кўрик-танловлар ўтказиш зарур деб ҳисоблайман. Кейинги боқчи эса профессор-ўқитувчилар нотиклик йўналишида таҳсил олиб, малакасини ошириши мумкин. Кейинги боқчи 3 йил муддатдан сўнг амалга оширилади. Унда маълум бир соҳага, таълим тизими оид қонун ва қарорларни, фармон ва фармойишларнинг мазмун-моҳиятини етказа олиш, шарҳлаш, тушунтириш даражаси ҳамда иш тажрибаси баҳоланади. Риторика, воизлик, яъни нотиклик санъатининг турлари бўйича ихтисослашган назарий маълумот ва амалий машғулотлар чуқурроқ тарзда ўқитилади. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар ўртасида «Энг яхши нотик-педагог»,

талабалар ўртасида «Энг яхши нотик-талаба», юқори синф ўқувчилари ўртасида «Энг яхши ўқувчи-нотик», хотин-қизлар ўртасида «Энг яхши воиз», диний соҳа вакиллари ўртасида «Энг кучли воиз» республика кўрик-танловлари ташкил этилса, ўсиб келаётган ёш авлод вакилларида нутқ маданияти билан боғлиқ муаммолар оз бўлса-да, бартараф этиларди.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ,
«Нотиклик санъати академияси»
таълим муассасаси директори,
филология фанлари номзоди

Бўларкан-ку!

Яқинда дўстларимдан бири фарзандларининг суннат тўйига таклиф қилди. Унчалик катта бўлмаган базмхонага 200-300 одам тўпланган. Дастурхон ҳам ўртамиёна. Хонандалар ўз обрўйини биладиган, санъатдан хабардор инсонлар экан, куй-қўшиқлар ва уларнинг ижроси ҳам асабга тегмайди.

Бошловчи тўй болаларни олқишлар экан, уларни саҳнага таклиф қилди. Тўй қилаётган дўстимиз икки нафар фарзандини, унинг икки укаси эса биттадан ўғлини суннат қилдираётган экан. Болалар саҳнага чиқиб келишди. Бошловчининг чорлови билан уларга тўй совғалари улаштириш учун амакию тоғалар, аммаю холалар, бобою момолар бир-бир саҳнага чиқибди. Бизни ҳайратга солгани — болажонларга берилган тўй совғаларининг асосий қисми китоблардан иборатлиги эди.

— Мана, болажонларнинг бобоси уларга нима совға қилди, кўрамиз, — деди бошловчи баланд ва ҳаяжонли овозда. — Қўйил, отахонга олқишлар, яшанг ота, набираларнинг ҳузурини кўринг. Отахонимиз набираларига китоблар жамланма-

Невараларининг тўйига китоб совға қилган бобо

си совға қилибди. «Сариқ девни миниб»,

«Шум бола», «Ҳаётга муҳаббат», «Баҳор қайтмайди», «Ўткан кунлар» ва ҳоказо. Раҳмат отахон, раҳмат!

Ҳамминг эътибори саҳнага қаратилди. Ҳақиқатдан ҳам

шқаси кўшиқ куйлади. Хуллас, мен тўйда ўтирганимни унутмайдим. Тўй ҳақиқий маънавий-маърифий талбирга айлангандек эди.

— Мехмонлар яхши ўтирибсизларми, дастурхонга қаранглр, — деди бизга яқин келиб тўй эгаси бўлган дўстимиз. Уни ёнимга қақриб, тўй болаларга берилган совға барча-

ни ҳайратга солгани, бу ажойиб гоё бўлгани, отахонга бизнинг номимиздан раҳмат айтиб қўйишини тайинладим.

— Мехмонларга ҳам совғамиз бор ҳали, — деди у. — Илтимос, кетиб қолманглр.

Мезбон айтганидек, тўй ниҳоялаб борар экан, хизмат қилиб юрганлар ҳар бир столга келиб елим халтага солинган совғаларни мехмонларга тарқата бошлади. Навбат бизнинг столга ҳам етиб келди. Халтани секин очиб, ичидида китобларга назар ташладим. Бир-биридан оқил ва доно муаллимларнинг пурмаъно фикрлари жамланган нодир китоблар. Бу совғадан кўнглимиз тоғдек

кўтарилди. Тўйнинг эртасига дўстимга қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрашим. Бу ҳақда ёзмақчи эканимни айтганимда, у камтарлик билан: «Илтимос, исмиمنى ёзмагн, кўпчилик нотўғри тушуниши мумкин», деди. Унинг илтимосига биноан исмиمنى ёзмадим. Агар, ким менинг дўстимдек тўй қилишни истаса, у билан таништириб қўйишим мумкин.

ҲАКИМ ЖҲРАЕВ

КИСКА
САТРАПЛАР
ЎҚИНИ!

8-11 август кунлари Сайилгоҳ кўчасида «Gastro Bazaar» фестивали ўтказилиши муносабати билан пойтахтимиздаги айрим кўчалар вақтинча ёпилади.

Тақдимномалар охири «самара» берди

Фарғона вилояти кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор вазифасида ишлаб келган Эркиной Сайдуллаева ўзининг ноҳақ ишдан четлаштирилгани юзасидан муурожаат қилди.

Ким директор?

Мазкур воқеани ўрганишни бошлаган чоғимизда эътиборимизни тортган нарса, Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли ушбу таълим муассасасида директорни алмаштириш борасида бошқармага М.Турдиматов раҳбар бўлганидан бери ўзига хос рекорд ўрнатилган аҳд қилгандек туюлди. Мактаб-интернатда ишловчилар билан суҳбатлашганимизда, охириги бир ярим йилда директор лавозимида ишлаганлар сонини санаб чалқашиб кетишларини айтди. Биз эса фақатгина 2019 йил бошидан бери ушбу мактаб-интернатда директор лавозимида ишлаганларнинг ҳужжатли хронологиясини тиклашга ҳаракат қилдик.

16 январь 2019 йил. Директор лавозимида ишлаб келган Сайфулло Қаҳҳоров 13 март кунига қадар навбатдаги меҳнат таътилига бир ойлик маоши миқдорига моддий ёрдам бериш билан кузатилади. Худди шу куннинг ўзида унинг ўринбосари Эркиной Сайдуллаева зиммасига вақтинча директор вазифасини бажариш юклатилади.

Орадан сал ўтиб, аниқроғи 30 январь кuni вилоят халқ таълими бошқармасида ишлайётган Абдоржон Исмоилов Сайфулло Қаҳҳоров қайтунча директор вазифасини бажарувчи қилиб тайинланади. Бироқ С.Қаҳҳоров меҳнат таътилидан қайтгани учун А.Исмоилов ўзига юклатилган вазифани 20 апрелгача бажаради.

20 апрель кuni эса Фахриддин Абдукаримов директор вазифасини бажарувчи сифатида иш бошлайди. Айнан шу пайтдан негидир Фарғона вилояти кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 2011 йилдан ўқитувчи, 2016 йилдан ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келган Эркиной Сайдуллаевани ишдан четлатишга ҳаракат бошланади. 29 апрель кuni таълим муассасаси раҳбари йиғилиш ўтказиб, ўз ўринбосарининг ишдан камчиликлар топиб, уларни бартараф этиш бўйича топшириқ беради.

Ишдан ҳайдаш «операцияси»

6 май кuni ўтказилган йиғилишда «мактаб-интернатнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари (Э.Сайдуллаева)га берилган топшириқлар бўйича назоратни сусайтириб юборганлиги ва 2019 йил 29 апрель кuni ўтказилган йиғилишда берилган топшириқнинг бир ҳафта мобайнида ижросини таъминламаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига асосан, навбатдаги интизомий жазо чорасини бериш бўйича халқ таълими бошқармасига хат билан муурожаат қилинсин», дея қарор қабул қилинади.

Шундан кейин Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғида негидир тақдимнома ёзишга ихлос кучайиб

кетди.

Фарғона вилояти кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати бошланғич касабаси уюшмаси кўмитаси раисига кетма-кет уч марта — 16 май, 10 июнь, 17 июлда Э.Сайдуллаевани мактаб-интернатнинг 29 апрель кунига йиғилишда директор берган топшириқларни бажармагани боис у билан «меҳнат шартномасини Кодекснинг 100 моддаси иккинчи қисми 3 банди (ҳодимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги) тартибда бекор қилишга розилик бери-



шингизни сўрайман», деган мазмунда тақдимнома ёзиб толмаган бошқарма бошлиғи М.Турдиматовга қойил қолмасликнинг иложи йўқ!

Энг қизиги, таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши томонидан 10 июль №16-сонли Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турдиматовга киритилган тақдимномада (Қонун бузилиш ҳолатини бартараф этиш тўғрисида) «Э.Сайдуллаева ўзига юклатилган вазифаларни бажармаганлиги ҳолати юзасидан тегишли тартибда ўрганиб чиқмасдан ва тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилмаганлиги» боис у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касабаси уюшмасига юборилган 16.05.2019 йилдаги №10/1064 рақамли тақдимномани бекор қилиш сўралганига қарамай, бошқарма бошлиғи ишдан бўшатиш «операцияси»ни тўхтатмайди...

Касаба уюшма рози, бироқ...

25 июль кuni нихоят бошланғич касабаси уюшмаси кўмитаси йиғилиш ўтказиб, Э.Сайдуллаева билан тузилган меҳнат шартномасини ўз вазифасини мунтазам равишда бузганлиги боис бе-

кор қилишга розилик беради. Охири йўқ тақдимномалар ва нихоят самара берди.

Биз журналистик суриштирув ўтказиш жараёнида йиғилишда иштирок этган икки нафар касабаси уюшма кўмитаси аъзолари билан учрашдик. Дастлабки суҳбатдошимиз жисмоний тарбия ўқитувчиси З.Собиров:

— Зафарбек, Э.Сайдуллаева ишдан бўшатилиши ҳақида нима оласиз?

— Уни биз бўшатмадик, бўшатишга розилик сўрашди, биз розилик бердик!

— Шахсан ўзингиз Э.Сайдуллаева директор ўринбосари лавозимига нолийик деб ҳисоблайсизми, агар шундай ҳисобласангиз, айнан нима учун?

— Эркиной Сайдуллаева бўшаши керак! Чунки менга унга чемпион чиқарганига қарамай, мукофот пули бермади. Касаба уюшмамизнинг раиси Д.Салимовнинг қизи ишлайётган шпратни молияга бориб қисқартириб келди ва ишдан бўшатишди. Техник ходимлар ишга аралашди, тарбиячиларнинг иш графигини тез-тез ўзгартириб турди. Тарбиячи бўлиб ишловчи турмуш ўртоғим жабр кўрди. Бундан ташқари, у баъзан дарсни сал олдин тугатсанг ёки кечикиб бошласанг, дарров тергаб, урушиб ташлайди, шунинг учун уни тўғри бўшатдилар деб ҳисоблаймиз!

— Сиз айтётган сабабларнинг баъзилари «Завуч»нинг ваколатига кирмайди, шунини биласизми?

— Биламан лекин барибир буларга Э.Сайдуллаева айбдор! Навбатдаги суҳбатдошимиз Касаба уюшмаси кўмита аъ-

зоси Д.Дабобоева.

— Э.Сайдуллаева тўғри ишдан бўшатилиши?

— Ҳа, тўғри бўшатилиши.

— Асослаб бера оласизми?

— Конспект ёки журнал тўлдиришда сал камчилик кўрса, дарҳол қўполлик қилади. Очиғи, уни барибир бўшатишарди. Бизда бир икки нафар «ёзувчи» бор, кимдир уларга ёқмадим, тамом ишдан ҳайдатмагунча тинчишмайди!

Ана шунанга гаплар! Изоҳга ҳожат йўқ! Ушбу суҳбатларнинг аудио ёзувини қайта-қайта эшитдим, бироқ изоҳлашни ҳар кимнинг ўзига қолдирдим. Боз устига қўлимда касабаси уюшмаси кўмитасининг мажлис баённомасининг бир-биридан фарқ қилувчи иккита нусхаси турибди.

Хуллас, жаноб Турдиматов касабаси уюшмасидан розилик олган захоти 26 июль кuni Э.Сайдуллаевани ишдан бўшатиш тўғрисида 143-к-сонли буйруққа имзо чекади. Ишдан ҳайдаш «операцияси» якунига етгандек бўлди, лекин...

Бир кунда уч буйруқ...

Ўзига нисбатан адолатсиз қарор қабул қилинди, дея ҳисоблаган Эркиной Сайдуллаева турли ташки-

лот ва вазирликларга ёзма ва оғзаки муурожаат қила бошлайди. Шундай кунларнинг бирида уни вилоят халқ таълими бошқармасига чақиривади. Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси номига ёзилган муурожаатини ўрганиш учун келган мутасаддилар уни кеч соат 8 гача ушлаб ўтириб, муроасага келишга чақиривиб, ўз хоҳиши билан директор ўринбосари лавозимидан бўшаши ва мактаб-интернатга оддий ўқитувчи сифатида ишга ўтказиш ҳақида ариза ёзса, ҳаммага яхши бўлишини айтишади. Кун кеч бўлиб қолгани, чарчагани боис у шундай аризани ёзиб беради.

Э.Сайдуллаеванинг гапларини ўша кuni уни бошқармадан қиқшини кутиб турган ҳамкасби Сайёра Алдашева тасдиқлади.

Шу куннинг ўзида Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Турдиматов иш вақти тугаганига қарамай, дарҳол Эркиной Сайдуллаевани томонларнинг келишувига кўра, лавозимидан озод этади.

Директор вазифасини бажарувчи Ф.Абдукаримов эса Э.Сайдуллаевага «Меҳнат таътили бериш» тўғрисидаги 48-к-сонли буйруққа имзо чекади. Ҳавас қилгудек тезкорлик, бироқ ҳаммани юқорида айтганимиз — Э.Сайдуллаева билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқ тақдирини нима бўлгани қизиқтириши табиий. Гап шундаки, кибзуққин меҳнат кодексининг 111-моддасига асосан бекор қилиш ва мажбурий «прогул» кунлари учун ҳақ тўлаш ҳусусида бошқарма бошлиғи М.Турдиматов томонидан 146-к-сонли буйруқ ҳам имзоланади ва Э.Сайдуллаевадан сир тугилади. Қизиги, ҳалигача ушбу буйруқ билан таништирилмаган.

Демак, жаноб Турдиматов ўзи имзолаган буйруқ орқали Э.Сайдуллаева билан меҳнат шартномасини гайриқонуний равишда бекор қилганини тан олмақда.

Турдиматовга холислик бегонами?

Тушунишимизча, Фарғона вилояти кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда соғлом, ишдан муҳит ўрнини гуруҳбозлик, шикоятбозлик эгаллаб олган. Натижада директор ва бошқа ходимларнинг тез-тез алмашиши, ишдан бўшатирилган ходимларнинг суд орқали ишга тикланиши одатий ҳолга айланган. Вилоят халқ таълими бошқармаси эса ушбу ўқув масканидаги аҳволни холисона, атрофлича ўрганиб, чора ишлаб чиқиш ўрнига, ўзлари билиб-билмай гуруҳбозлик ва шикоятбозлик янада илдиз отишига замин яратётгандай, назаримда.

Ушбу жараёнда ҳеч кимни оқлаш ёки қоралаш ниятимиз йўқ. Аниқлаган далилларимизни келтирдик, холос! Оқни оққа, қорани қорига ажратишни эса соҳа мутасадди ва мутахассисларига ҳавола қиламиз. Ўйлаймизки, муаммони ҳал этишда вилоят бошқармасида биз топа олмаган холислик Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигидаги мутасаддиларда бор!

Давлатназар РЎЗМЕТОВ



Эндиликда, болаларни мактабларга қўшимча квота асосида қабул қилиш мактаб директорлари томонидан амалга оширилади.

Кўзлар нега қизаради?

Уч ярим ёши қизимнинг кўзи шу кунларда қизариб, тез-тез ёшланадиган бўлиб қолди. Тарбиячиси бошқа болаларга ҳам юқишдан хавотирланиб, кўзи тузалгунча боғчага келмай туришини айтди. Мен шунчаки, кўз шамоллаши, деб ўйлаган касаллик, англадимки, жиддийроқ, Эртаси кун уни шифокорга олиб бордим. Текширувлар давомида қизимнинг кўзи конъюнктивит билан касаллангани аниқланди.

Конъюнктивит нима?

Бу кўзларни қоплаб турувчи юпқа парданинг яллиғланиши. Юпқа тўқима — конъюнктивит — қовоқларни ва кўзнинг ўзини қоплаб туради, унинг нам ва тоза бўлиб туришига ёрдам беради.

Агар кўзингизда қизариш, қичишиш, мунтазам ёш оқи-

ши, киприкларда ёпишқоқ юмалоқчалар ва пардачаларнинг пайдо бўлишини сезсангиз асло бефарқ бўлманг. Кун давомида кўзингиздаги ўзгаришларни кузатинг. Мабодо, салбий ҳолатлар кузатилса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилинг.

Авалло, ушбу касалликни даволаш унинг сабабларига боғлиқ. Кўп ҳолларда махсус даволаш талаб қилинмайди. Конъюнктивит 1-2 ҳафтада ўз-ўзидан ўтиб кетади. Вируслар чекинади, пардалар ва киприклар кўз ёши суюқлиги ёрдамида тозаланади.

Бактерияли инфекцияларни антибиотик томчилар ва малҳам дорилар ёрдамида доволашади. Лекин бундай дориларни ўзбошимчалик билан

Даволаш усуллари

қўллаш мумкин эмас, антибиотиклардан фақат шифокор тавсияси асосида фойдаланиш лозим. Аллергияга эса антигистаминли воситалар ва томчилар яхши самара беради.

Одатда конъюнктивитнинг асорати бўлмайди, лекин унинг шифокорга боришга сабаб бўладиган таҳликали аломатлари бор: кўзлардаги оғриқ, ёруққа қарай олмаслик, кўзнинг хиралашиши, йиринг ва ҳоказо...

Касалликка чапинмаслик учун

Касалликка чапингандан кўра, унинг олдини олган афзал. Шу боис, кўз касалликларига ҳам безътибор бўлманг. Аввало, шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш керак. Хусусан, кўзга тегингандан олдин кўзларни совунлаб ювиш, бировнинг со-

чигини ишлатмаслик, ёстиқ жилдларини ўз вақтида алмаштириш, муддати ўтган ва ўзганинг косметик воситаларидан фойдаланмаслик тавсия этилади.

Баҳриисо ОТАЖОНОВА

9 август		10 август		11 август		12 август		13 август		14 август		15 август			
☀️	+36°C	☾	+17°C	☀️	+36°C	☾	+20°C	☀️	+37°C	☾	+20°C	☀️	+36°C	☾	+20°C
☀️	+33°C	☾	+19°C	☀️	+32°C	☾	+16°C	☀️	+27°C	☾	+16°C				

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ
Кўчи Давлатлар — Кўчи Фуқаролар Жамияти Саҳи

Муассислар:
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-814 Адади: 1402.
Жума кун чикади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ, Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА Якуни:
Топширилган вақти: 18.15
1 2 3 4 5

Хорижий инвесторлар иштирокидаги "Yangiyo'l yog'-moy" акциядорлик жамияти жамоаси



халқимизни ва юртимиз меҳмонларини мустақил Ўзбекистонимизнинг 28 йиллиги шодиёнаси билан чин дилдан муборақбод этади.

— Сиз азизларга куч-қувват, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Шошилич ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам мулкий шакли ва бошқарувидан қатъий назар барча тиббиёт муассасаларида аҳолига бепул кўрсатилади.